


И. С. Байджанов



МУСТАҚИЛЛИК МЕЪМОРЛАРИ

(Ҳисобат- лавҳалар)

Ибадулла Байджанов

Мустақиллик меъморлари.

(Хисобат- лавҳалар)

«Издательские решения»

Байджанов И. С.

Мустақиллик меморлари. (Ҳисобат- лавҳалар) /
И. С. Байджанов — «Издательские решения»,

ISBN 978-5-44-834169-4

Урганч қурилиш касб-хунар коллекция ташкил қилинганига 35 йил тўлди.
Ушбу даргоҳ раҳбари, меморчилик фанлари номзоди, Ўзбекистон Олий
Мажлиси депутати И.С.Байджанов ана шу қутлуг санага бағишилаб ёзган
қўлингиздаги тўйёна китобда коллекция сўнгги ҳисобот йилида амалга
оширилган ишлар, келгуси режалар ҳақида ҳикоя қилинади.

ISBN 978-5-44-834169-4

© Байджанов И. С.

© Издательские решения

Содержание

Мустақилликни мустаҳкамлашга хисса	6
Муаллифдан	8
Конец ознакомительного фрагмента.	9

Мустақиллик меъморлари (Ҳисобат- лавҳалар)

Ибадулла Самандарович Байджанов

© Ибадулла Самандарович Байджанов, 2016

© Рустам Ибадуллаевич Самандаров, фотографии, 2016

Редактор Абдулла Сафоев

Корректор Махмуд Ибадуллаевич Самандаров

Корректор М. Сафоева

ISBN 978-5-4483-4169-4

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero

Урганч қурилиш касб-хунар коллежи ташкил қилинганига 35 йил тўлди. Ушбу даргоҳ раҳбари, меъморчилик фанлари номзоди, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати И.С.Байджанов ана шу қутлуғ санага бағишилаб ёзган кўлингиздаги тўйёна китобда коллежда сўнгги хисобот йилида амалга оширилган ишлар, келгуси режалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобнинг «Мустақиллик меъморлари» деб номланиши бежиз эмас. Зеро ҳар ким ўз касбининг чинакам меъмори бўлиб, буюк келажак йўлида сидқидилдан хизмат қилишга бурчлидир. Шу жумладан Ўзбекистон мустақил мамлакатимизни гуллаб яшнашига, буюк келажакни тобора яқинлаштиришга, истиқлол ғалабаларини мустаҳкамлашга Урганч қурилиш касб – хунар коллежи ахил жамоаси ҳам ўзига яраша муносиб хисса қўшиб келмоқда.



Мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса (Сўз боши)

Хоразм! Жаҳонга не-не улуг зотларни етказиб берган бу кўхна ва навқирон воҳа ўз бунёдкорлиги билан ҳам маълум ва машҳурдир. Бу қадим юрт бўйлаб кезар экансиз, хаётнинг бир ҳикматидан огоҳ бўласиз. Меморчилик бу ўлкада азал азалдан жуда катта қадр-қимматга эга, энг ардоқли ва фахрли касб. Воҳа хунармандчилигининг гултожи. Бир-биридан муҳташам ва мустаҳкам бинолар, саройлар, қасрлар, меморлар ва қурувчиларнинг ақл – заковати, билим ва маҳорати ҳаммасидан ҳам муҳими ўз она юртига меҳр ва садоқати туфайли қад ростлаган. Биргина қадим Хива обидалари буни исботлаб турибди. Кейинги йилларда, айниқса Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида бунёд этилган замонавий иншоотлар эса буғунги авлодларнинг аждодларимизнинг улуғ ишларини астойдил давом эттираётганлигидан далолат бериб турибди. Аҳоли истиқомат қиласиган уйлар, ишлайдиган ёки ўқийдиган даргоҳлар, қўшма корхоналар, йўллар, кўприклар буларнинг барчаси ажойиб касбукорлик соҳиблари – қўли гул қурувчилар томонидан бунёд этилган ва бу эзгу ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда.

Ушбу китобда Хоразмда меморлар, қурувчи кадрлар тайёрлаш борасида самарали фаолият қўрсатиб келаётган Урганч қурилиш колледжининг иш тажрибалари тарғиб қилинади. Кўплаб ёш йигит қизларни малакали мутахассислар қилиб етиштириб, мустақил ҳаётга йўллаётган билим юрти жамоасининг ибратли ишлари аниқ ва чуқур таҳлил қилинади. Факт ва рақамларда қайд этилади. Айни пайтда мемор масъулияти, қурувчи қадри ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилади. Келажакда коллеж жамоаси олдида турган улуғвор вазифалар қўрсатиб ўтилганки, бу аҳил жамоанинг бундан бўён ҳам ёш авлод баркамоллиги йўлида янада фаол, жўшқин ва изланиш ташаббускорлик, ташкилотчилик билан, элим деб, юртим деб ёниб ишлашни кўнглига туттаганлигидан ёрқин нишона эканлигини ифода этади.

Китоб муаллифи ҳақида икки оғиз сўз: Ибадулла Байджанов – Хоразм вилоятининг иқтидорли мемори. Ўз соҳасини чуқур ва пухта билади. Воҳа тарихида биринчи бўлиб меморчилик фанлари номзоди даражасига сазовор бўлган. Ўзбекистон Республикасида кўзга кўринган иқтидорли мутахассис. Изланувчан исътедодли олим. Ташкилотчи раҳбар. У 15 йилдан ошиқ воҳа маркази Урганч шаҳри бош архитектори вазифасида ишлаган пайтларидан бошлаб ўзидаги ишчанлик ва инсонийлик фазилатларини кўрсата олди. Унинг фидойилиги, тиниб – тинчимаслиги қурувчилар билан бир тан, бир жон бўлиб ишлаши натижасида воҳа маркази янада кўркам, чиройли манзара касб этди. У 1988 йилда Урганч қурилиш техникуми (хозирги пайтда коллеж) га директор қилиб тайинланди. Бу катта ва муқаддас даргоҳда ҳам самарали фаолият қўрсатиб келмоқда. Шахсан унинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан «Архитектура», «Ҳалқ хўжалигини ривожлантириш ва иқтисод», «Қурилишни қўкаламзорлаштириш», «Ҳўжалик хуқуқшуноси», «Молия», «Менежмент», «Солиқ ва солиқча тортиш» каби мутахассисликлар бўйича янги бўлимлар очилди. Ўқув биносининг янги корпуси қад ростлади. Ишлаб чиқариш устахоналари қурилди. Билим даргоҳи қайтадан тўла таъмирланди, янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар, компьютерлар сотиб олинди. Боғ, хиёбон, гулзорлар яратилди.

Ибадулла Байджанов яна бир, жамият, Ватан, мамлакат учун фойдали ва муҳим фазилат соҳиби. У иқтидорли, истеъододли ва заҳматкаш ижодкор ҳамдир. Ўндан ошиқ рисола, 120 дан зиёд илмий – оммобоп мақолалар муаллифи. Ўтган йили нашр қилинган «Ҳумо қўнглан шаҳар» китобида Хоразм воҳаси маркази Урганч шаҳрида амалга оширилган ва оширилаётган улуғвор ишлар, бунёдкорлик жабҳалари, маънавият ва маърифат масканлари фидойи замондошлари, иккинчи қисмида эса меморчилик муаммолари, замонавий, кўркам, обод шаҳар бунёд

этиш масалалари ҳақида ҳикоя қилган, баҳс – мунозарали фикрлар билдириган эди. Китоб кенг китобхонлар оммаси томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Айниқса тарихчи олимлар, ўлкашунослар томонидан эътироф этилди. «Олтин мерос» халқаро жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими мукофотига сазовор бўлди. Айни пайтда бу китоб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллигига муносиб тўйёна бўлган эди.

Ибадулла Байджанов мамлакатимиз истиқололининг тўққиз йиллигига ушбу янги рисоласини тухфа этди. Бу китобнинг билим ва қасб-хунар даргоҳи ташкил этилганлигининг 35 йиллиги олдидан нашр қилинганлиги ҳам қувончли воқеа, муаллифнинг қадрдан жамоаси, она юртига меҳр муҳаббати, садоқати нишонасидир.

Воҳамиз, ҳур диёrimиз кўрку тароватини ошираётган колледж жамоасини, ҳам раҳбар, ҳам Ўзбекистон Олий Мажлис депутати сифатида самарали фаолият кўрсатаётган, эл юртига холис хизмат қилаётган Ибадулла Самандарович Байджановни Республикасимуз мустақиллигининг тўққиз йиллиги ҳамда Урганч қурилиш қасб – хунар колледжи ташкил топганининг 35 йиллиги қўша шодиёналар билан чин дилдан қутлайман! Мустаҳкам соғлик ижодий муваффақиятлар тилайман.

Жуманазар Хусанов Ўзбекистон Республикаси Президенти
Девони Баш консультантни

Муаллифдан

Биз қайси касб-у кор, қайси вазифада бўлмайлик юртимизнинг буюк келажагини бунёд этишдек олий мақсад, юксак орзу билан яшаяпмиз. Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг ўтган тўққиз йили давомида амалга оширилган ва оширилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари, юзага келган ижодкорлик муҳити бу улуғ мақсаднинг рўёбга чиқишига катта умид ва ишонч бахш этади, шу йўлда фидойилик, ташаббус ва тадбиркорлик кўрсатишга ундейди.

Хурматли Президентимиз И. А.Каримов ўзининг асарларида, нутқларида, оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига берган жавобларида баркамол авлодни тарбиялаш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқдалар. Хусусан коллежлар, академик лицейлар фаолиятини кескин яхшилашга оид қарор ва кўрсатмалар бунинг ёрқин далилидир.

Мухтарам Президентимиз коллежлар на факат билим оладиган, касб-хунар ўрганадиган даргоҳ, балки хориждан келган меҳмонларга кўрсата оладиган энг ибратли, намунали иншоот бўлишини ишонч, ғурур ва фахр билан тилга олган эдилар. Бу борада мамлакатимиз, шу жумладан вилоятимизда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бизнинг меморлар масканимиз ҳам тўла жорий таъмирланди, янгидан ўкув ишлаб чиқариш устахонаси қурилди, энг замонавий жихозлар, техник воситалар, кўргазмали қуроллар сотиб олинди. Бу каби катта ҳажмдаги ишларни бажариш учун 350 миллион сўм сарфланди. Коллеж республикамиздаги энг намунали илм ва касб – хунар ўрганиш даргоҳларидан бирига айланди. Мамлакатимиз, вилоятимиз миқёсида бир неча кўрик – семинарлар ўtkазилди. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари яна давом эттирилди.

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочтите эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.